



58

10, Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2015 у.г. 21 » декабрь

№ 1866-К

**“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласида
фуқаро Самиева Мадина Сидиковнага енгил овқатланиш шахобчаси
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.**

“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласида яшовчи фуқаро Самиева Мадина Сидиковна туман ҳокими номига “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласи худудидан енгил овқатланиш шахобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласида яшовчи фуқаро Самиева Мадина Сидиковнага “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласи худудидан енгил овқатланиш шахобчаси қуриш учун 49 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Самиева Мадина Сидиковнага енгил овқатланиш шахобчасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
3. Фуқаро Самиева Мадина Сидиковна томонидан “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров